

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

565 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 25 октябрдаги ПҚ–2641-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни — «Ўзқурилишматериаллари» ни «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясига ўзгартириш тўғрисида» 1997 йил 29 майдаги ПФ–1787-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида» 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сонли Фармонининг 4-банди.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Зокиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти вазифасини бажарувчи**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 13 декабрь,
ПФ–4866-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2016 йил 13 декабрдаги
ПФ-4866-сонли фармонига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ-1236-сонли қарорининг 3-илоvasида «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» АК бошқаруви раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 2 майдаги ПҚ-1524-сонли қарориди:

а) 1-иловадаги «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» АК бошқаруви раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 3-илованинг 2-бандидаги биринчи хатбошисиди «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси» сўзлари «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 23 июлдаги ПҚ-2374-сонли қарори 8-иловасиди «Мутасаддик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари» бўлимининг 7-бандидаги «АК» қисқартма сўз «АЖ» қисқартма сўзи билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 30 сентябрдаги ПҚ-2414-сонли қарорининг 2-илоvasида «Э.М. Акрамов — «Ўзқурилишматериаллари» АК бошқаруви раиси» сўзлари «Б.К. Зарипов — «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқаруви раиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 25 октябрдаги ПҚ-2641-сонли қарори 1-иловасининг номидан «баланс қиймати бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин.